



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 23-iyul, seshanba № 87 (3280)

Shonch

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



Чирой очган «Камалак»

Мустақилликнинг илк йилларидан ёшларни ҳар томонлама баркамол авлод этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Уларнинг таълим олишидан тортиб, муайян касб эгаси бўлиши, маънавий-маданий дунёқарашини кенгайтириш, дам олиш ва соғломлаштирилишини таъминловчи мустақам тизим яратилди. Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ташкил этилиши бу борадаги ишлар сифатини янада ошириб, масъул ташкилотлар фаолияти уйғунлигини таъминламоқда. Болаларни соғломлаштириш масаласига миллий ёндашув — давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳамкорликдаги имкониятларини йўналтириш амалиёти бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хукуматимиз томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси» соҳа тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Натижанда оромгоҳлар нафақат соғломлаштириш, балки фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салохиятини ошириш масканига айланди.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар бир йилга мўлжалланган Манзилли дастур давлатимиз томонидан мазкур соҳа ривожига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси. Унга мувофиқ Республикада мавжуд оромгоҳлар моддий-техник негизи мустақамлашиб, янги дам олиш масканлари барпо этилмоқда.

2012 йилги Манзилли дастурга мувофиқ 30 дан ортиқ оромгоҳ капитал таъмирланди, реконструкция қилинди ва 3 та янги оромгоҳ қурилишига киришилди. Жорий йилда эса 2 та янги оромгоҳ барпо этиш, 15 та оромгоҳни реконструкция қилиш ва 19 та оромгоҳни капитал таъмирлаш ишларини

амалга ошириш режалаштирилган. Наманган вилоятининг энг сўлим ва оромбахш ҳудудига қад ростлаган «Камалак» оромгоҳига ҳам касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 2013 йилга мўлжалланган Манзилли дастур асосида қайта ҳаёт бахш этилгани айтиш мумкин бўлди.

Хусусан, оромгоҳда 5 та ётоқ корпуси тўлиқ капитал реконструкция қилиниб, том қисми янгитдан замонавий металл черепица билан ёпилди. Ошхона, маънавият, тиббий ётхона тўлиқ таъмирланди. Йўлаклар асфалтланиб, канализация тармоғи уланди. Ота-оналар учун шинам кутиш айвончаси барпо этилди. Бу каби бунёдкорлик ишларига 1,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Дам олаётган ўғил-қизларнинг хо-

рижий тиллар ва компютер бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида махсус синфлар ташкил этилиб, зарур техника билан жиҳозланди. 10 га яқин тўғарак хоналари ташкил этилди. Кутубхона эса 2000 дан ортиқ китоб билан таъминланди.

Оромгоҳдаги барча хоналар энг замонавий меبل, маънавий техника воситалари билан жиҳозланди. Кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун жонли бурчаклар ташкил этилди.

Бугунги кунда 300 нафарга яқин бола ҳар томонлама қўлайликларга эга масканда мириқиб дам олмақда. — Тўрт йилдан бери ушбу оромгоҳда дам оламан, — дейди Райхона Иловоддинова. — Бу ернинг ҳавоси,

жамоатчилик вакиллари иштирок этишиди.

— Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши, оромгоҳларнинг топширилиши, аввало, сиз азиз болажонларнинг етук инсон бўлиб вояга етишишгизга қаратилган, — деди ўз сўзида УЗКУФК раиси Т.Нарбаева. — Фарзандига берган тарбияси, унинг камолоти йўлида чеккан заҳматлари учун раҳмат эшитиш ҳар бир ота-онанинг орузи. Сиз шундай инсон бўлиб улгайингиз, ота-онангиз, устозларингиз сизнинг ортингиздан фақат илиқ сўзларни эшитишин. Биз кўпроқ ёши катта инсонларни — ота-оналарингизни ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида танилганмиз. Уларнинг ташвишини енгиллаштиришга ҳаракат қиламиз. Улар қачон хотиржам бўлишадилар — сиздан кўнгуллари тўқ бўлганда, қачон қувонишадилар — сизнинг кулгунгиз янграганда. Демакки, сизга қўлайлик яратиш бизнинг ҳам эзгу мақсадимиздир.

Танзила Нарбаева болажонларга туҳфа сифатида оромгоҳга замонавий «Артел» телевизорини ҳадя қилди. Шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари Х.Матқаримов оромгоҳга замонавий печ туҳфа этди.

Олий Мажлис депутати З.Мансуров ҳам болажонларнинг қувончига қувонч қўшиб, оромгоҳ кутубхонасини бойитувчи китоблар совға қилди. Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар, келажакимиз эгаларига кўрсатилаётган эътибор ва гаҳмўрликлар, бунёдкорлик ишларини эътиборга олишга алоҳида эътибор қилди. «Мустақиллик — менинг тақдиримда» акцияси доирасида болажонлар онига миллилатни англаш, «Истиқлол», «Ватан» каби буюк тушунча ва туйғуларни етказиш, Ватанини асраш, унинг юксалишига ҳисса қўиши, «Авал Ватан, кейин мен» ғояларини синдириш асосий мақсадлардандир. «Ўзбекистон» деган номнинг ер юзиде мағрур жаранглашига ҳисса қўиши, Ватанимизни яқин келажакда энг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига шароит яратиш, унга муносиб фарзанд бўлиш, ўз миллатидан фахрланиш, она-юрт равақига учун жонкуяр ва доно фарзандлар ўстириш бугунги шароити вазибаларидан ҳисобланади.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Shonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар



Оқимидан
ЖИЗЗАХ
Анъанага кўра, бу йил ҳам Оролбўйи болалари таътилда мириқиб хордиқ чиқаришди. Жиззах вилоятининг энг яқин табиати Зомин тоғ ёнбағрида жойлашган «Алоқачи» оромгоҳи уларни ўз бағрига олди.

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ ЗОМИНДА

— Ташкилотчилардан миннатдормиз, — дейди гуруҳ етакчиси, Нукус шаҳридаги 32-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ильмира Авганова, — Барча шароит мухайё. Маданий-маърифий, спорт тадбирларини мунтазам ўтказиш билан бирга компютер саводхонлиги, инглиз тилини ўрганиш, рақс, чеварлик, китобхонлик сингаари тўғараклар мунтазам ишляпти. Ўттиз нафар болажон бу масканда ёзи таътилни мазмунли ўтказаяпти.

«Ўзбекистон-Индонезия» қўшма корхонаси Жиззах филиали тасарруфидидаги 120 ўринли «Алоқачи» болалар оромгоҳи айти пайтда учинчи босқичга болажонларни қабул қилиб олди.

Абдуннопо АЗИМОВ, «Shonch» мухбири

АНДИЖОН
Асака туманининг Ахтачи қишлоғида ишга туширилган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Sing lid» ўзбек-хитой қўшма корхонасида йилгига 100 минг тонна сифатли цемент тайёрланади.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Корхонани ишга тушириш учун 6 млн. доллар миқдорда хорижий инвестиция киритилди. Натихда, ишлаб чиқариш цехлари янги технологиялар ўрнатилиб, маҳаллий ёшлардан 120 нафари муқим иш ўрнига эга бўлди. Айти қўшма истеъмолчиларга 4,5 минг тонна цемент етказиб берилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Shonch» мухбири

НАВОЙ

Тибийёт бирлашмасида 756 нафар касаба уюшма аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Мустақилликнинг 22 йиллик тўйи арафасида ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Шу мақсадда 13 нафар кам таъминланган оилага моддий қўмақ ажратдик.

БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ

Тибийётчиларимизнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш ҳам назаримиздан четда қолаётгани йўқ, албатта. Ҳозирга қадар 7 нафар касаба уюшма аъзоси юртимизнинг энг сўлим сийхатдорларида соғлигини тиклади. 50 нафар ходимнинг Тошкент шаҳрига саёҳати уюштирилди. Мустақиллик байрами арафасида ўзгача чирой очатган пойтахтимиз жамоли уларга кўтаринки руҳ бағишлади.

О.ҲОТАМОВА, Конимех туман тибийёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Етакчи минбари

Хўжалигимиз тасарруфиде 20 минг 133 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, шундан 1383 гектари ўрмон билан қопланган. 528 гектарини эса маданий ўрмонлар ташкил этади. Зарафшон дарёси соҳилига яқин жойлашган 170 гектарлик майдонда янги ўрмонзор барпо этмоқдамиз.

Кўнгулларда Ватан туйғуси


Обод турмуш йили талабларидан келиб чиққан ҳолда 4 гектар ерда кўчат етиштиряёلمиз. Сосна, моживелник, шарқ туяси, каштан, сапура сингари манзарали, ўрик, шафтоли, бодом, олма каби мевади дарахт ниҳолларини парвариш қиляёмиз.

Хўжалигимиз асосан қурилишбоп материалларни ишлаб чиқаришга мўлжаллангани учун теракзорлар барпо қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ҳар йили 10-20 гектар майдондаги теракзорлар кесилиб, аҳоли эҳтиёжи учун бозор нархидан бирмунча арзон қийматда тарқатилаяпти.

Оқтов этақларида ястаниб ётган 18 минг 150 гектарлик адирлар бодомзор ва пистазорларга бой. Уларни қуриқлаш баробарида янги ниҳоллар экиб, парваришляёмиз. Соҳил ёнида ҳам бўш майдонлар мавжуд. Ўтган йили 80 сотих майдонда ҳавзалар қазиб, балкичиликка асос солинди. Шунингдек, паррандачилик, асаларчилик борасидаги даромадларимиз ҳам йилдан-йилга ривожланиб бораёпти.

Жамоамиз аъзолари 50 нафарни ташкил қилади. Меҳнат таътилга чиққанлар, саломатлигини тикламоқчи бўлганлар учун бир ойлик иш ҳақи миқдориде моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Кам таъминланган оилаларга ҳам имкон даражасида моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Ходимларимиздан ўн нафарининг фарзандлари шу кунларда «Дўстлик» болалар оромгоҳида бепул соғломлаштирилмоқда. Яқинда Нурота туманидаги «Чашма» мажмуасини жамоамиз аъзолари билан томоша қилиб кайтдик. Рамазон ойи тугаши билан Урганч, Хива шаҳарларига сафарга отланамиз.

Фарход ЖАМИЛОВ, Хатирчи Давлат ўрмон хўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси



Пойтахтимизнинг Чорсу бозори яқинидаги кўпқаватли автотурагоҳ иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. 650 та энгил автомобил жойлашадиган «AUTO PLAZA SERVICE» масъулияти чекланган жамиятининг хизматидан кўпчилик мамнун бўлаётди. Бу ерда нафақат автомобилларга, балки ҳайдовчиларга ҳам барча қўлайликлар яратилган бўлиб, ушбу иншоот кеча-кундуз ишляпти.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Фахр

Иқболи осмон юртим

Ёшлигимизда бобо ва бувиларимиз дастурхон бошида, аввало, юртимизга тинчлик, тўкин-сочинлик, фаровонлик тилаб дуога қўл очардилар. Уша пайтлари бу сўзларнинг замирида қандай маъно борлигини унчалик англаб етмасдик. Ёшимиз улгайган, инсон учун Ватандан муқаддас маскан йўқлигига ақлимиз ета бошлади. Яқинда янги намунавий лойиҳа асосида қурилган иморатга эга бўлган ҳамюртларимиздан бири кўнгли фахру гурурга тўлиб гапириб қолди.

— Янги уйга кўчиб келган куним шарт-шароитларни қуриб, қувончим ичимга сиймади. Бахт келса, қўша келади, деганлари рост экан. Кўни-қўшиларнинг меҳр-оқибатлиги икки карра омадим бўлди, — дейди Қўшқўпир тумани Янгиллик қишлоғида яшовчи Назира Аҳмедова қувонч билан.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга нафақат эркимизни, балки мана шундай дорилон кунларни, тинчликни, яхши шарт-шароитларни яратибгина қолмасдан, бар-

— Мустақиллигимиз шарофати туфайли мен ҳам чет элда ўқиб малака ошириб келдим, — дейди танишларимдан бири. — Қўрмаганларимни кўрдим, таъриба орттирдим. Бирок, барибир, мени Ватан соғинчи бир зум бўлсада тарқ этмади.

Юқоридаги сўзлар мамлакатимиздаги барча фуқароларнинг дилидан кечаётган шукроналик ҳислари эканлиги шубҳасиз. Зеро, дунёда юрт тинчлигиндан, эл ободлигидан улғурроқ нарса йўқдир.

Рухия ИСМОИЛОВА

Долзарб мавзуда суҳбат

Инсоннинг меҳнат фаолияти муайян ишлаб чиқариш жараёнида кечади. Мабодо, қонун талабларига риоя этилмаса ёки иш берувчилар томонидан риозиларига қаратаётган шартлар яратиб берилмаса, бу ҳодимнинг иш фаолияти ҳамда соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун нағдаларга эътибор қаратиш зарур? Мухбиримизнинг Тошкент вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Эркинали Усмонов билан суҳбати шу мавзуда.

Ўзини асрагани...

— Ходимларнинг меҳнат шариоити ва муҳофазасига оид ҳуқуқларини ҳимоялаш касабаси уюшма ташкилотларининг ўта долзарб вазифалари сирасига киради, — дейди Э.Усмонов. — Бунга касабаси уюшма кўмиталарининг тегишли комиссиялари ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик асосида сайланган вакиллар иштирокида уч босқичли маъмурий жамоат назоратини ҳар бир иш жойида ўрнатиб, бунинг учун корхоналардаги меҳнат шариоити, дастгоҳлар, машина ва асбоблар, ишлаб чиқариш биноларининг техник ва санитар ҳолатларини доимий равишда текшириб бориш орқали эришилади.

камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақдимнома киритилаётган. Мазкур ишларни амалга оширишда «Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида янги таҳрирдаги Низоми» муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. — Кўнгилсиз ҳолатларни бартараф этишда касабаси уюшмаси кўмитаси қошидаги меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси ҳамда жамоатчилик асосида сайланган вакиллар иштини янада жонлантириш билангина мақсадга эришиш мумкин. Шундай эмасми? — Бахтсиз ҳодисанинг биттаси ҳам кўп. Чунки ишлаб чиқаришда фалокатга учраган киши ортида унинг оиласи турибди. Демак, бундан унинг қарамоғидагилар ҳам қаттиқ азият чекиши. Тўғри таъкидлаш керак, комиссиялар фаолиятини тубдан яхшилаш зарур. Чунки улар турли корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда, мулк ва хўжалик юретиш шаклидан қатъи назар, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақса-

дида ташкил этилади. Комиссиялар ўз вазифаларига қўра, ишлаб чиқаришда жараёнда олиш ҳамда касб касалликларига чалинишининг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси талаблари бузилишини бартараф этиш чораларини кўриш, фаолияти доирасига кирувчи масалалар бўйича касабаси уюшма ташкилотига тақлифлар тайёрлайди. Меҳнат муҳофазаси вакили эса қонунга асосан меҳнат муҳофазаси юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боради. Иш берувчи сайланган вакиллари 1 ой мобайнида касабаси уюшма иштирокида ўқитиш ташкил этиши даркор. Ўқитиш иш берувчи томонидан тасдиқланган ва касабаси уюшма билан келишилган дастур асосида ўтказилади. Харажатларни иш берувчи қоплайди. Шу билан бирга, иш берувчи вакилларга керакли шариоитни яратиб бериши ва уларни зарур меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш лозим. Ўз йўналишида етарли билимга эга бўлган вакил жамоатчилик назоратини олиб боради, ишчи-хизматчиларга зарур маслаҳатлар беради ҳамда уларни ишлаб чиқаришда хавфсизлик талабларига риоя этилиши бўйича оғохлантириб

боради. Шунингдек, ишчиларни махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя ювиниш, дезинфекция воситалари, сут ёки унга тенглаштирилган маҳсулотлар билан таъминлашни муттасил текшириб боради. Бу эса мунтазам равишда вакилларнинг касб маҳоратини ошириб боришни тақозо этади. Шу боисдан ҳам таълим, фан ва маданият, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, агросаноат мажмуи, давлат муассасалари, транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси каби қатор вилоят тармоқ касабаси уюшмаларида бирлашма кенгаши томонидан ҳудудий ўқув семинарлари ташкил этилди ва улар жойларда меҳнат муҳофазасини яхшилашда муҳим қадам бўлди. Ушбу семинарларда «Касабаси уюшмаси бошланғич ташкилотлари ходимлари ва фаоллари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича қўлланма» тарқатилди. — Ишлаб чиқаришда жараёнда олиш ва касб касалликларига чалинган ходимларга етказилган зарар учун тўланадиган

товон пулларининг вақтида берилиши ҳолати қандай? — Вилоят бирлашма кенгашига жорий йилда шундай ходимлардан 4 нафари мурожаат этди. Уларнинг аризалари атрофлича ўрганиб чиқилди. Шулардан 3 тасининг мурожаати ижобий ечимини топди. 1 нафар аризага эса тушунтириш берилди. Бундан ташқари, бўлимга оғзаки мурожаат қилган 38 киши ҳуқуқий маслаҳат олди. Ушбу масалалар юзасидан аризаларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида мутахассисларимиз суд мажлисларида қатнашмоқдалар. Айтмоқчиманки, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бошланғич ташкилот билан бирга, корхона, ташкилот ҳамда муассасада меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-хизматчининг ўзига боғлиқ. Агар у ишлаб чиқаришда тан жароҳати олиш ёки касб касаллигига чалиниши истамаса, хавфсизлик қоидаларига тўла риоя этиши зарур. Зеро, «Ўзини асрагани» Узи асрайди», деган мақол бекорга айтимган.

Суҳбатдош: Незмат РАФИҚОВ, «Ishonch» муҳбири

Касабаси уюшмалари аралашгач...

Меҳнатга ҳақ тўлаш назоратда

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий адолатли тизимини яратиш, иш ҳақининг вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш бугунги кунда касабаси уюшмаларининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Мазкур масалага Кимё соҳаси бўйича Республика бирлашган касабаси уюшма кўмитаси томонидан жиддий эътибор берилаётган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳамда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тизимидаги касабаси уюшма органлари томонидан иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришнинг намунавий тартиби»га биноан тармоққа қарашли корхоналарда ишчи-ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда берилиши, мавжуд қарздорликларни бартараф этишга эътибор қаратмоқда.

Меҳнат кодексига биноан меҳнатга ҳақ тўлашнинг муддати, шакли ва тизимлари, муқофотлар, қўшимча тўловлар, устама-лар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар миқдори жойларда тузилган жамоа шартномаларида белгилаб қўйилган. Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган шартларга мувофиқ кўрсатилган муддатларда тўлаб келяпти.

Бу борада тизимдаги касабаси уюшма ташкилотлари томонидан иш ҳақи тўловлари бўйича муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш учун тезкор чора-тадбирлар қўрилиб, назорат янада кучайтирилди. Ушбу масала юзасидан мониторинг йўлга қўйилди, иш берувчилар, маҳаллий ҳокимиятлар, прокуратура ва суд органлари ёзма равишда мурожаат қилиниб, муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича ижобий натижаларга эришилаётган.

Жумладан, Республика бирлашган касабаси уюшма кўмитасига «Навоийазот» ҳамда «Самарқандкимё» ОАЖлар касабаси уюшмаларида тушган шикоятларга қўра, ишчи-ходимларга «Саноатқурилишбанк»нинг ҳудудий филиаллари томонидан иш ҳақи вақтида тўланмаётганини ўрганиб чиқилди.

Мазкур масала бўйича Бирлашган касабаси уюшма кўмитаси томонидан «Саноатқурилишбанк» ОАТБ бошқарувиغا қилинган расмий мурожаатлар натижасида, «Навоийазот» ҳамда «Самарқандкимё» ОАЖлар ходимларига иш ҳақини тўлаб бериш чоралари кўрилди.

«Навоийазот» ОАЖ ходимларининг иш ҳақлари нақд пулда ва ўзларининг аризаларига асосан банк пластик картчаларига ўтказилиб, ташкилотда иш ҳақидан қарздорлик бартараф этилди. «Самарқандкимё» ОАЖ ҳисоб рақамидан пул маблағи етарли бўлмаганлиги тўғрисида банк кредит маблағлари эвазига иш ҳақларини тўлаш мақсадида 1700 млн. сўм ажратилди.

А. ГАЙНАЗАРОВ, Республика БУҚнинг етакчи юрисконсултанти

Ўзги соғломлаштириш



Дам олиш завқи

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилади. Болаларнинг ёшга таътил давомида соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилиши ушбу гамхўрликнинг ёрқин намунасидир. «Ўзбекистондаги таъмирлаш» очик акционерлик жамиятига қарашли «Бунёдкор» оромгоҳимизда ҳам болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шариоит яратилган.



Айтиш жоизки, ҳомий ташкилотимиз мавсумнинг ҳар томонлама кўнгилли ўтиши учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Юз нафар ўғил-қизга мўлжалланган ётоқхона биноси тубдан янгиланди. Жиҳозлар, ошхона, ўйин майдончалари ва стадион давр талаблари даражасида тайёрланди. Тарбиячи ва етакчилар тарбиячи билими, ташаббускор, серғайрат ёш кадрлар ҳисобига тўлдирилгани ўтказилаётган машғулларнинг мазмун-моҳиятини бойитмоқда. Жорий йилда масканимизда 300 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Дастлабки икки босқичда 200 нафар ўғил-қиз кўнгилли дам олган бўлса, айтишда 100 нафар ўқувчи оромгоҳимиз кўйида. Бухоро тумани «Баркамол авлод» болалар марказининг педагог-ҳодимлари турли кўнгилочар тадбирларни мазмунли ва кизиқарли ташкиллаштиришмоқда. Бош етакчи Мамлакат Асадова, гуруҳ тарбиячиларидан Зарина Бокиева, Зебо Салимова, Мохинисо Мирсаидова, мусиқа раҳбари Ҳалимжон Ғайбуллаев томонидан ушбу йилдаги турли тадбирлар, кўрик-танлов ва машғуллар дам олувчиларда катта кизиқиш уйғотаяпти. Жисмоний тарбия ўқитувчиси, спорт устаси Воҳид Жамоловнинг гуруҳлар ўртасида ўтказилган спорт ўйинлари ва мусобақалари барчани мамнун этмоқда. Дам олувчилар орасида «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ва кам таъминланган оила ўғил-қизлари ҳам бор. Ҳар бир босқич дам олувчилари учун намоиш этилаётган кўғирчоқ театри томошалари, вилоятимизнинг тарихий жойларига саёҳатлар болаларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ҳақим АВЕЗОВ, «Бунёдкор» болалар ёшга соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари. И.ҲОЖИЕВ олган суратлар

Эътибор

Ёшлар — эртағамиз эгалари

Иқтидорли ёшларни қамолга етказиш жамиятимизнинг эзгу мақсадига айланган. Бу масъулиятли жараёнда касабаси уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Булунгур тумани таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан мазкур йўналишда қатор ишларни амалга ошираётган.

Туман кенгаши ташаббуси билан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида учрашув ва мулоқотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Хусусан, Педагогика ва спорт коллежида Бандликка қумаклаштириш маркази ва дахлдор ташкилотлар жалб этилган ҳолда ушбу йилнинг амалий мулоқот катта ҳаёт остида турганларга услубий қумак бўлди. Мутахассислар ходимнинг ишлаш, ижтимоий муҳофазаланиш кафолатлари бўйича етарлича тушунарлар беришди. Жамоа шартномаси қафолатлари, меҳнаткаш ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларнинг қонуний асослари атрофлича тушунтирилди. Ҳудуддаги аксарият коллеж битирувчиларини қамраб олган бу тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлишди.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги, прокуратура, бандлик маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган «Бўш иш ўринлари» ярмаркаларида ҳам тармоқ касабаси уюшмаси фаол иштирок этиб келмоқда. Шу йилнинг март ойида ушбу йилнинг бу каби тадбирда тумандаги 32 та ташкилот 117 та бўш иш ўринлари билан бирга шу ташкилотларнинг бошланғич касабаси уюшма ташкилоти етакчилиги ҳам қатнашишди. Ишга қабул қилинганлар мутахассислар томонидан

касабаси уюшма аъзолигига жалб этилиб, корхоналардаги иш шариоитлари ҳам тушунтириб берилди. Тармоқ касабаси уюшмаси битирувчилар бандлигини таъминлашга қумаклаштириш билан биргаликда уларни моддий томондан рағбатлантиришни ҳам йўлга қўйган. Жумладан, корхона ва ташкилотларда амалиёт ўтаётган 45 нафар коллеж талабаларига ўз маблағлари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдориде моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари, коллежларни имтиёзли диплом билан битирганларга энг кам ойлик маошининг 50 фоизи миқдориде қумак кўрсатиш режалаштирилган. — Тармоқ ходимлари ва ёшларни соғломлаштириш, чиниқтиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди Булунгур тумани таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Азиз Хафизов. — Яқинда туман ҳокимлиги, «Ватанпарвар», «Қамолот» ЕИҲ билан ҳамкорликда ўсмирлар ўртасида спортнинг Юнон-рум ва Миллий кураш турлари бўйича «Ёз — 2013» турнир мусобақаларини ўтказдик. Беллашувда қатнашган 162 нафар иштирокчининг маҳорати баҳоланиб, голибларга касабаси уюшмаларининг совринлари топширилди. Шунингдек, тумандаги 1-ва 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари шарт-шариоитларини яхшилашга ҳам тармоқ касабаси уюшмаси қумак кўрсатиб келяпти.

Ёшлар — эртағамиз эгалари. Уларга кўрсатилган эътибор эртанги кунимизга қўйилган мустақам пойдевор саналади. Бу йўналишда касабаси уюшмаларининг ташаббускорлар сафида бўлиши эътиборга моликдир. Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Тадбиркорлик — давр талаби

Истиклол йилларида Ўзбекистонда иқтисодий диверсификация ва модернизация қилиш, импорт ўрнини босувчи ҳамда юқори технологияли ва рақобатбардор экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш борасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Шу ўринда бозор иқтисодиётининг асоси бўлиши хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунийлик базаси яратилганини алоҳида қайд этиш зарур. Урта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Хозирда Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги бозор инфрасуруралари ҳаракат қилмоқда: Бошқарма ҳузуридаги 16 та шахар ва туман Ахборот-маслаҳат марказлари, 6 та аудиторлик компанияси, 2 та бизнес инкубатор, 55 та банк бўлими, 124 та минибанк, 3 та микрокредит ташкилоти ва 1 та ломбард, 14 та суғурта компанияси филиаллари, 7 та баҳолаш компанияси, Ўзбекистон товар-ҳом ашё биржаси, Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси, Кўчмас мулк биржаси ва «Тошкент» фонд биржаларининг Қорақалпоғистон Республикаси филиаллари, 21 та савдо майдончалари, 51 та брокерлик идоралари, 103 та минерал ўғитлар билан таъминловчи шохобча, 128 та нефтбазаси шохобчаси шулар жумласидандир.

Айни пайтда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан қабул қилинган аъзоликнинг сони 1891 бўлиб, 787 таси юридик шахслар ва 1104 таси яқка тадбиркорлар ҳисобланади. Шунингдек, 59 нафар аъзо ҳисобот даврида аъзоликка жалб этилган. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, алоқа ва транспорт, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, воситачилик хизмати ва яна бошқа турдаги соҳаларда фаолият юритишмоқда. Бошқарма томонидан республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шариоит яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва

ширишлар вақтида ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида бошқарма ҳамда унинг туман ва шахарлардаги Ахборот-маслаҳат марказлари томонидан ўқув семинарлари, семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси

ладиган хизматлар тўғрисидаги буклетлар, «Тегиришлар ҳақида нимани билиш зарур?» номли брошюра ва «Кенг имконият — янги натижа» номли махсус қўлланма тадбиркорларга бепул тарқатилди. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва

Келажакка

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга доир амалга оширилаётган ишлар ва яратилаётган имтиёзлар тўғрисида кенг маълумот бериш мақсадида бошқарма томонидан 107 та ўқув семинар, бизнес-форум, конференция, семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда 4102 нафар тадбиркор иштирок этди. Тадбиркорликнинг ривожланиши учун яратилган шариоитлар, назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний тек-

томонидан ўзбек ва рус тилларида ишлаб чиқилган «Тегириш пайтида ўзини қандай тутиш керак?» номли видео ролик ва буклетлар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами тадбиркорларга бепул тарқатилаяпти. Шунингдек, бошқарма томонидан тегиришлар бўйича 3 та ролик, «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги ҳақамлик судлари», «Ҳақамлик суди қандай ташкил этилади?», «Ҳақамлик судьясини қандай танлаш керак?» номли ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан кўрсати-

хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шариоит яратиш мақсадида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси қошида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда барча туман ва шахар Ахборот-маслаҳат марказларининг Жамоатчилик кенгаши ташкилоти билан давлат органлари ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларини кучайтириш, уларнинг иқтисодий томондан мустаҳкамланиши учун кенг шариоитлар ярати-



Seoul National University Hospital - Uzbekistan Medical Service
узбекистон ҳаётиёловчилари
2013. 5. 24 ~ 6. 1

Митти юрак дард кўрмасин

Касаллик кўп, тури бисёр. Афсуски, улар чегара ва ёш танламайди. Рўйхати-га тушган инсонни даракламай қўймайди. Дунёга эндигина келган жажжи меҳмонларни-да четлаб ўтмайди. Нафас олишини қийинлаштириш, кўкариш, юрак уришини кучайтириш, етарли вазнини ололмаслик, кўкрак соҳасидаги оғриқлар... Митти вужуднинг бу каби озорлари юрак хасталикларидан далолат бериши мумкин. Шу ҳақда тўла маълумотга эга бўлиш мақсадида Республика перинатал маркази консултатив-диагностика поликлиникаси неонатологи Нодира ОМОНОВАнинг фикрларига қулоқ тутдик.

— Болаларнинг туғма юрак касалликлари бўлажак онанинг саломатлиги ва ҳомиладорлик вақтининг қандай кечиши билан боғлиқ. Эътибор беринг-а, ҳомиланинг 1-4-ҳафтасида эмбрион ҳосил бўлади. Бешинчи ҳафтасида юрак ва юқори нафас йўллари шаклланади. Агар шу вақтда бўлажак она инфекциядан касалликлар, шамоллаш, грипп кабилар билан оғирса, бирор вирусни юқтириб олса, ҳомиланинг юраги ривожланишида ўзгаришлар содир бўлади. Худди шундай ҳар ҳафтада ҳамиланинг маълум аъзолари шаклланади. Шу боис дастлабки уч ойда ҳомиладор аёллар соғлиғига ҳар қачонгидан эътиборлироқ бўлиши керак. Бундан ташқари, жуда эрта ва 40 ёшдан кейин ҳомиладор бўлиш, қариндошлар ўртасида қурилган оила, наслик касалликлар ҳам биз сўз юритаётган хасталикни юзага келтиришини унутмаслик керак.



Шунга кўра амалга ошириладиган чора-тадбирлар борасидаги саволаримиз билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси кардиожарроҳи Одил СУЛТОНОВга юзландик:

— Ҳомилада юрак хасталиги мавжудлигини қачон ва қандай аниқлаш мумкин?
— Республика скрининг маркази, Республика перинатал маркази ва бошқа махсус тиббий муассасаларда юракнинг электрокардиографияси, долплер ультратовуви, рентгенологик текширувлари ўтказилади. Натияжада 16-18 ҳафталик ҳомилада юрак касалликлари мавжуд ёки йўқлиги, айнан қандай нуқсон борлиги, унинг жажжи ва ҳафлилик даражаси аниқланади.

— Статистик ҳисоботларга кўра, юрак туғма нуқсон билан дунёга келган чақалоқларнинг 30 фоизи янги шароитга мослаша олмай нобуд бўлади. Яшаб қолган чақалоқлар кардиохирургия бўлими бор бўлган ихтисослашган тиббий муассасалар рўйхати-га олинади.

— Юрак хасталиги бор аёлнинг фарзанди ҳам шу касаллик билан туғилганими?
— Юрак хасталиги бор аёлнинг фарзанди ҳам албатта шу касаллик билан туғилди, деган тушунча нотўғри. Уларда фақат мойиллик бўлади, холос. Умуман, агар болага вақтида тўғри ташхис қўйиб, даволаш чоралари қўрилса, соғлом тенгқабдан деярли фарқ қилмай ўсади. Бирок бунидан акси бўлса, юрак билан боғлиқ асоратлар бошқа органларга ҳам таъсир қилади. Чунки юрак кўп функцияли асосий орган сифатида организмда етакчи вазифалардан бирини бажаради. Унда қандайдир нуқсон бўлса, органларга кислород етарли миқдорда етиб бормади, ўпка ички босими ошади, мия гипоксияси, жигар фаолиятининг бузилиши юзага келиши мумкин. Биз болалар педиатрлари, неонатологари дастлабки текширувни ўтказамиз ва белгиларга қараб тахминий ташхис қўйиб, кардиожарроҳга йўллаймиз. Ташхисни тўла тасдиқлаш, айнан қандай юрак хасталиги мавжудлигини аниқлашга кардиожарроҳ қодир.

— Чақалоқларни неча ойлигида операция қилиш мумкин? Уларнинг митти вужуди операцияга дош бера оладими?
— Юрак туғма нуқсон билан дунёга келган чақалоқлар назоратга олинган, уларга дастава дори-дармон буюрилади ва олти ойгача соғлиғи кузатиб борилади. Агар дори воситалари ижобий ўзгаришга олиб келмаса ва чақалоқнинг ҳолати оғирлаша, шовшинч жарроҳлик операцияси амалга оширилади. Режали равишда қилинувчи операциялар ҳам мавжуд. Бунда бола этга кириши, муайян вазнага эга бўлиши кутилади ҳамда 1-3 ёш ораллигида ўтказилади. Режали операциянинг афзаллиги шундаки, унда бемор болалар маълум маънода операцияга тайёр бўлади ва унинг муваффақиятли яқун топиш эҳтимоли ортади.

— Демак, неонатолог томонидан туғма юрак хасталиги ташхиси қўйилган чақалоқлар кардиожарроҳ қабулига юборилади.
— Юрак туғма нуқсон билан дунёга келган чақалоқлар назоратга олинган, уларга дастава дори-дармон буюрилади ва олти ойгача соғлиғи кузатиб борилади. Агар дори воситалари ижобий ўзгаришга олиб келмаса ва чақалоқнинг ҳолати оғирлаша, шовшинч жарроҳлик операцияси амалга оширилади. Режали равишда қилинувчи операциялар ҳам мавжуд. Бунда бола этга кириши, муайян вазнага эга бўлиши кутилади ҳамда 1-3 ёш ораллигида ўтказилади. Режали операциянинг афзаллиги шундаки, унда бемор болалар маълум маънода операцияга тайёр бўлади ва унинг муваффақиятли яқун топиш эҳтимоли ортади.

— Туғма юрак хасталиги билан боғлиқ қайси операцияларни ўзбекистонда қилиш имкони бор? Хорижда қилинувчи операциялар ҳақида нима дея оласиз?
— Мамлакатимизда кичик операцияларнинг барча турлари, жумладан, очик артериал йўл, ёрдамчи шунт операциялари,

— Демак, неонатолог томонидан туғма юрак хасталиги ташхиси қўйилган чақалоқлар кардиожарроҳ қабулига юборилади.

— Туғма юрак хасталиги билан боғлиқ қайси операцияларни ўзбекистонда қилиш имкони бор? Хорижда қилинувчи операциялар ҳақида нима дея оласиз?
— Мамлакатимизда кичик операцияларнинг барча турлари, жумладан, очик артериал йўл, ёрдамчи шунт операциялари,

қоринчаларо нуқсонларни бартараф қилиш, бўламчаларо нуқсонларни бартараф қилиш, Фалло тетрадаси ташхисиди-га операциялар қилинади. Юрак тўхтати-либ, сунъий юрак ва қон айланиш тизими-ни таъминлаган ҳолда қилинувчи катта операциялар эса, афсуски ҳозирча Ўзбекистонда амалга оширилмайди. Шу сабаб бу борада халқроқ ҳамкорлик йўлга қўйил-ган. Масалан, шу йилнинг май ойида «Меҳр нури» жамоат фонди Кореянинг Сэул университети қошидаги шифохона билан бирга ҳайрия акциясини ўтказиб, бир гуруҳ корейлик шифокорлар Ўзбекистонга ташриф буюрди. Сафар давомида улар Тошкент Педиатрия тиббиёт инсти-тутидида ўндан ортқ ўта мураккаб юрак операцияларини бажаришди. Хусусан, юракдан чиқадиган 2 та йирик томир ўрни алмашиб қолган 4 ойлик чақалоққа қилин-ган операция республикамизда биринчи марта муваффақиятли амалга оширилгани болалар кардиожарроҳлиги соҳасида кат-та ҳодиса бўлди. Биз учун бу катта мак-таб вазифасини ўтади. Энди улардан ўрганганларимиз, кўрганларимиз асосида ўзимиз шундай мураккаб операцияларни Ўзбекистонда амалга оширолқимиз.

— Ақция доираси Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўша мураккаб операцияларни бажарган Сэул миллий университети қоши-даги шифохона бош кардиожарроҳи, профессор Вунг Хан КИМдан таассуротлари билан ўртоқлашини илтимос қилдик.

— Кардиологик операциялар бутун бир жамоа томонидан амалга оширилади. Шу сабаб Кореядан 19 киши Ўзбекистонга келди. Делегациямизни малакали кардио-лог, кардиожарроҳ, кардиолог ассистент-лари, анатасиолог, реанимация ҳамшира-лари ташкил этади. 6 кун ичида 13 та опе-рация қилдик. Барчаси оғир турдаги бола-лар юрак операцияларидир. Оғир юрак хасталикларидида ҳар дақиқа, ҳар сония ҳаёт-мамат масаласини ҳал қилади. Шу боис мураккаб юрак операцияларини амалга оширишда яқин ҳамкорлик қилиш-га тайёрмиз. Ўзбекистон билан ўзаро ҳам-корлигимиз 5 йил аввал бошланган. Ушан-да 1998 йил биринчи марта бу ерга кел-ганимизда болалар юрак операцияларини ўтказишга етарли шароит йўқлигини кўрганмиз. Аммо ҳар ташрифимизда ма-зукур йўналишда катта ўзгаришлар бўлаёт-ганини гувоҳ бўламиз. Бу йилги ташрифим-изда 5 йил ичида қилинган операциялар-нинг энг оғирини муваффақиятли бажар-дик. Аорта ва вена қон томиларининг ўрни туғма алмашиб қолган чақалоқнинг ҳаётини сақлаб қолдик.

— Мамлакатимизда кичик операцияларнинг барча турлари, жумладан, очик артериал йўл, ёрдамчи шунт операциялари,

Шоҳсанам НИЁЗОВА, УзМУ магистренти

Касалликми ёки инжиқлик?

Бозор пештахталарини айланаркан-сиз, болажонларга мўлжалланган оёқ кийимларни кўриб, кўз қувнайди. Ҳар бирининг ўзига хос бичими, ёрқин ранги беихтиёр болалигимизни ёдга солади.



Болалар оёқ кийимлари растасидан ўтаётганимизда, ҳамроҳим уч ёшли ўғилчиси қайсарлик қилиб оёқ кийимини тескари қийиб олишидан но-либ, шундай деди: «Билмадим, бу бирор касаллик белгисими, ёки ода-тий инжиқликмикан?»

Статистик маълумотларга қараганда, эндигина тетапола қилиб, қадам ташлаётган болаларнинг ҳар беш нафаридан бирида бу ҳолат кузатилади. Психологлар бу жараённи фақат оналарнинг ҳиссий эъти-рофлари билан баҳолашган, яъни бола фақат оёқ кийими-ни тескари қийган пайтидаги-на диққат марказида бўлишлар-ни таскиллашди. Болаликнинг ўзига хос ин-жиқликлари бор, айниқса, бо-ча ёшидаги болаларда ота-она-сига нисбатан ҳар ишда талаб-чан, «фақат менинг деганим бўлади», қабилида иш тутадиган-ларни ҳам анчагина. Айтай-лик, нутқдаги баъзи бир камчи-ликлар, доимий хархаша бола-нинг инжиқлиги, эркатойлик-нинг таъсири туфайли бўлиши мумкин. Аммо болаларнинг оёқ кийимларини пойма-пой (унги-ни чапа, чалини ўнга) қийиб олиш ҳолатлари ҳар доим ҳам эркатойликнинг натижасида кели-либ чиқмайди.

нувчи боламиз жуда шўх, ерга урсанг, осмонга салчийдиган-лардан эди. Уша боланинг бош кийими «Елғончилар мамлака-ти» мультфильмидаги қаҳрамон-нинг кийимига ўхшаб кетарди. Уртоқлари ҳазиллашди, уни ўша қаҳрамонга ўхшатишгани-дан сўнг болада ўша қаҳра-моннинг барча қилиқлари кўрина бошлади. Доим мульт-фильмдаги қаҳрамондек оёқ кийимини тескари қийиб оли-ши ҳаммамизни ажабланти-рарди. Бундан кўринадики, бо-лалар оёқ кийимини атайин бировларнинг эътибор маркази-да туришни ёқтиргани учун ҳам тескари қийишлари мум-кин экан.

Болангизни кузатинг, у қайси пайтда оёқ кийимини тескари қиймоқда, сизнинг ёки бога опасининг олдида мус-тақил ҳаракатланадими ёки танбехлар таъсирида қийна-димми? Болалик ўзига хос сир-синоатларга эга давр бўлиб, бола барчага тақдир қилиб, катталардек юриб-туришга ҳаракат қилади. Шунингдек, баъзи ўртоқларидан нимани-дир ўрганишга, у каби бўлиш-га интилади.

Психоневролог Фаҳрия Хусанованинг таъкидлашича, оёқ кийимини тескари қийиш касаллик ҳисобланмайди, бал-ки боланинг онг билиш қоби-лияти тўлиқ ривожланмагани-дан, яъни оналарнинг эътибор-сизлигидан юзага келадиган жараён дея баҳоланади. Бога ёшидаги болаларда бу жара-ённи тўхтатиш учун ҳар хил рангли тасвирлар, кўргазма-лардан фойдаланиш керак. Фанинг исботлашича, ўнг қўл билан иш бажарадиган шахс-лар ақл билан иш кўрса, чап қўл билан иш бажарадиган шахслар ҳам ақлдан, ҳам ҳиссий иштиёқ, иходкорлик билан иш юритишади.

Поитахтимизнинг Юнусов ту-манидаги 480-махсус мактаб-га таълим муассасаси(МТМ) тарбиячиси Раъно Муҳаммад-нинг айтишича, аксарият бола-ларда 2-3 ёшда, яъни ҳали баъ-зи билиш аъзолари тўлиқ ри-вожланмаган даврда бу ҳолат кўп учрайди, кейинчалик бола ўз «мен»ини англай бошлагач, йўқолиб кетади.

Ортопед Рушания Сайфуд-динованинг таъкидлашича, оёқ кийимнинг тескари қийилиши раҳит касаллиги билан боғлиқ, — деди Муҳайё опа. — Бунинг асосий сабаби оёқнинг «о» ёки «х» шаклида бўлиб, яссиоёқликнинг қури-нишларида акс этади. Айнан яссиоёқлик ташхиси қўйилган болаларнинг аксарияти билан суҳбатлашганимизда, улар учун оёқ кийимнинг тескари қийилиши бирмунча қулайлик-ларга эга бўлиб, бу ҳолатда болалар ўзларини анча эркин ҳис этишларини таъкидлашди, — дейди суҳбатдошларимиз. — Физиологик жараёнларга кел-са, бу каби болаларнинг ясси-оёқлиги нуқсонларини бар-тариқ эйтишининг ўзига хос му-олажалари бор. Бунинг учун оналар болага оёқ кийим тан-лаш жараёнида эътиборлироқ бўлишлари, махсус тиклади-ган ортопедик пойабзаллардан

болалар бир-бирини тақдир қилиб оёқ кийимларини теска-ри қийиб олишларининг гувоҳи бўлганман, — дейди Раъно опа. — Бунинг сабабларидан бири шунки, болалар ўзлари ёқтирган эрта, мультфильм қаҳрамонларига ҳавас қилиб оёқ кийимларини тескари қийи-шни хоҳлаб қолтириш мум-кин. Айтайлик, бир тарбияла-

Навбахор РАҲМОНОВА, Зульфия номидида Давлат мукофоти соҳибаси

лишига кўмаклашиш, юзага келган ҳар хил муаммолар-нинг ҳал этилишига ёрдам-лаштириш. Жамоатчилик кенгаши таркибига Савдо-саноат палатаси, Адлия ва-зирлиги, Монополиядан чи-қариш ва рақобатни ривож-лантириш қўмитаси, солиқ

киллаштириш бўйича 30 та се-минар ташкил этилди. Шу билан бир қаторда, тад-биркорликнинг ривожланиши, давлат томонидан берилёт-ган кенг имтиёзлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, шунин-гдек, ноқонуний текшириш-ларнинг олдини олиш тўғриси-

ди, юридик, консултатив, ин-формацион ва бошқа хиз-матлар кўрсатилди. «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичлари шу йилнинг 12-15 март кунлари бўлиб ўтди. Тан-ловда йил якунларига кўра юқори кўрсаткичларга эриш-

Ташаббус — 2013» кўрик танловидида Хўжайли туманидан «Азамат» фермер хўжалиги рақиси Б. Давидбаев «Йилнинг энг яхши фермери» йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Спарк» автомашинаси соҳи-бига айланди. Шунингдек, Ну-қс шаҳридан «Лесстройторг» МЧЖ рақиси М. Шимбергенов «Энг яхши инновацион лойиҳа» номинацияси ғолиби деб топилди, махсус диплом ва қимматбаҳо совринлар би-лан тақдирланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси истеъмол-ни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомил-лаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Андижон худудий электр тармоқлари» ОАЖ томонидан комплекс дастур асосида иш олиб борилмоқда.

ИШОНЧ билан

органлари, Божхона бошқар-маси, оммавий ахборот воси-таслари, сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотлари вақиллари ва тадбиркорлар киритилди. Барча туман ва шаҳарларда 16 та Жамоатчи-лик кенгаши тузилган бўлиб, уларнинг барчаси ҳозирда фаолият кўрсатмоқда. Жамоатчилик кенгашларида «Ишонч телефонлари», бозор-ларда ва аҳоли кўп йиғилиди-ган жойларда 37 та «Ишонч кутилари» ўрнатилган. Жамо-атчилик кенгашлари аъзолари томонидан тадбиркорлар бил-дан доимий равишда учрашу-влар ўтказиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ту-шунтиришлар беришни таш-

да оммавий ахборот восита-ларида кўрсатувлар, эшитти-ришлар ташкиллаштирилди ва мақолалар чоп этилди. Тарғи-бот-ташвиқот тадбирлари на-тижасида уларнинг фаолият олиб бориш даражаси анча ўсиб, келиб тушаётган ариза ва шикоятлар камайди. 2013 йилнинг 1 чораги да-вомида хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судларга 269 та даъво аризаси киритилди. Бошқарма ва бошқарма қошидаги 16 шаҳар ва туман Ахборот-маслаҳат марказла-ри томонидан ушбу мuddат-да 35042000 сумлик таъ-сис, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, ТИА ва Бизнес режа хужжатлари тайёрлан-

ган ва тадбиркорликни ривож-лантиришга катта ҳисса қўшган тадбиркорлар, фермер ва хунармандлар томонидан — «Йилнинг энг яхши тадбир-кори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши хунарманди» йўналишлар-и бўйича беллашилди. Қора-қалпоғистон Республикаси ту-ман ва шаҳар босқичларида асосий йўналишлар бўйича 1000 га яқин иштирокчи қат-нашди. Улар орасидан 46 таси ғолиб деб топилди. 2013 йил 23 март куни Бер-дақ номидида Қорақалпоқ Дав-лат мусикали театрида «Ташаб-бус — 2013» кўрик-танлови-нинг Қорақалпоғистон Респу-бликаси босқичи ўтказилди. Ша-

ри намойиш этилган махсу-лотларни кўздан кечириб ва қатнашувчилар томонидан тақдим қилинган хўжатларни ўрганиб чиқиб, ғолибларни аниқлашди. «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича Нуқс шаҳридан «Лес-стройторг» масъулияти чек-ланган жамияти бошлиғи Му-рат Шимбергенов, «Йилнинг энг яхши фермери» йўналиши-да Хўжайли туманидан «Аза-мат» фермер хўжалиги рақба-ри Байрамқилич Давидбаев, «Йилнинг энг яхши хунарман-ди» йўналиши бўйича Шума-ной туманидан хунарманд Ми-риғеб Тажимуратов 1-ўрин ғолиби деб топилди ва махсус диплом, қимматбаҳо совға ва Бахитбек ЕЛМАНОВ, Узбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси матбуот котиби

Ҳисоб-китоб тизимидаги қулайликлар

Вилоят электр тармоқлари корхонасидан олинган маълумотда, жорий йилнинг олти ойи давомида АСКУЭ тизими ўрнатиш бўйича юқори қулайлиши подстанциялардаги фидерларга 712 дона, трансформатор пунктларига 2715 дона замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган. Вилоятдаги 496 минг 693 та истеъмолчининг 326 минг 107 та эскирган, ҳисоб-китоб учун яроқсиз индукцион ҳисоблагичлари янги электрон нусхаларига алмаштирилди. Хўжалик юритувчи субъектлардаги 24 минг 447 та ҳисоблагичлар ҳам янгиланди. Шаҳар ва туман электр таъминоти корхоналарига қараш-ли 43 минг 884 та мижозларга пластик карточкали ҳисоб-лагичлар ўрнатилди. Шунингдек, истеъмолчиларга ҳисоб-китоб учун қулайлик яратиш мақсадида SMS-тулов тизими жорий этилмоқда. Бу тизимга олинган мижозлар электр ва бошқа туловларни ис-талган шароитда нақд пулсиз, тез ва ишонарли амалга оши-риши мумкин. Вилоят электр тармоқлари корхонасида мижозларга қулайлик яратиш билан бир қаторда, куз-киш мавсумига пухта ҳозирлик давом этмоқда. Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси истеъмол-ни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомил-лаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Андижон худудий электр тармоқлари» ОАЖ томонидан комплекс дастур асосида иш олиб борилмоқда.

Санъат оламида



Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб ҳар икки йилда ўтказилаётган дунё мумтоз санъати ва қўшиқчилиги ананаларини ўзида мужассам этган ушбу халқаро мусиқа фестивали чинакам санъат ва қўшиқ байрами сифатида Регистондан жаҳонга қўшиқ аталмиш эзгуликни улашмоқда. Бундан ўн олти йил муқаддам биринчи фестивалда дунёнинг 31 давлатидан санъат намояндalарини иштирок этган бўлса, саккизинчи халқаро мусиқа фестивалида 56 мамлакат вакиллари қатнашдилар. Бу йил эса олтинчидан охиқ давлатдан меҳмон кутиллаётир. Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Муножотхоним Йўлчиева илк фестивалда биринчи ўринни кўлга киритган эди. 2011 йилда эса у фестивал хайъати аъзоси сифатида иштирок этди.

БАРҲАЁТ САРЧАШМА

Муножот янграйди...
Ғала-говур давра сув куйгандек жимиб қолади. Нолакор оҳанг «эшилиб, тўлғаниб, инграб» кўнгил торларини бир-бир чертиб ўтади. Томирларда мудраб ётган маъсум туйгулар куйнинг тўлқинларига кўшилиб оқа бошлайди. Юрак нуристонга айланади, руҳ қанот қоқа-қоқа кўкка кўтарилади.

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўларимга кеча тонг отқунча уйку келмади...

Хофиза кўксидан оташмисол куйилиб оқаётган кўшиқ запитдан кўнгиллар симобдай эрийдн, бошлар тебранади, қалбада хотиралар бош кўтарари. Бехос кимнингдир нури шарпаси кўз ўнгингизда намоен бўлади. Кўшиққа ҳамоҳанг кўнгиллар куйлайди, юракдан «Муножот» бўлиб муҳаббат оқади, ҳижрон оқади.

Муножотхоним Йўлчиева куйлаган «Муножот» ана шундай кўнгилларнинг тубидан ҳасрат илдизларини суғириб олиб, умид ниҳолларини экади. Шу боис унинг кўшиқларини америколик ҳам, олмон ҳам, фаранг ҳам таржимонсиз тушунади, юракдан англаб, вужуди билан ҳис қилади. Яна шу нарса англашладикки, санъат муножот даражасига етгандагина, уни ҳамма тушуниб, идрок этади.

Мумтоз кўшиқларимиз Муножотхоним Йўлчиева талқинида ўзгача янгради, уни ижро этишда хофиза беназирлик пиллапоясига кўтарилди. Бу эътироф замирида хофизанинг тақдорини мас ижро маҳорати, Оллоҳ от элган иқтидори, кишига лаззат бағишловчи ўқтам ва сеҳрли овози мужассам.

Хорижда кўпчилик унга шундай савол беради: «Нега гўзал овоз соҳибаси бўла туриб опера кўшиқчиси бўлмагансиз?» У эса фахр билан шундай дейди: «Халқим куйлаб ва эшитиб келган мумтоз кўшиқлар мен учун илҳом манбаи. Усиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман».

Дарҳақиқат, Муножотхоним миллий санъатимиз ҳақида гапирганида жуда сокин ва самимият, гўё гап она

«Кўшиқ айтмоқ дунёга эзгулик сочмоқдир...»

дейди Ўзбекистон халқ артисти Муножотхоним Йўлчиева

ҳақида, Ватан, муқаддас замин ҳақида бораётгандек катта ҳурмат билан ёндашади.

— Қадимда устозларимиз саҳнага покланиб, ҳатто оёқ кийимини ечиб чиқишган. Бу, аввало, саҳнанинг муқаддаслигига ишора бўлса, иккинчидан, кўшиққа, санъатга ҳурмат саналган, — дейди Муножотхоним. — Қолаверса, мумтоз кўшиқларимиз кўнгилни юксалтирадиган, руҳни қанотлантирадиган, гўзал туйгуларни уйғотадиган катта санъат. У даставвал ўз ижросида ана шундай юксаклик ва нурлини бахш этади. Шу боис халқ яратган куй-кўшиқ мустаҳкам маънавий қалъа, ҳаётбахш ва барҳаёт сарчаси.

Ривоят қилишларича, Соҳибқирон Амир Темур куйни бузиб ижро этган машоққи «Сен куйни бузиб, аввал биров қурган кўргонни буздинг, сўнгра кўнгил мулкимни вайрон қилдинг», деб жазолаган экан.

Хофиза эътироф этганидек, кўшиқ кўнгил завқи бўлиши билан бирга, тарбия мактаби ҳамдир. Айниқса, мумтоз кўшиқлар қалбни тозалаб, иродани чиниқтиради. Ватанга муҳаббат, миллий фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиб, буюк аждодларидан фахрланиш ва ворилик фазилатларини тарбиялайди.

Андижонда тугилиб камолга етган хофизанинг истиқболлида киндик қони тўкилган заминнинг алоҳида ўрни бор. У шоҳлар шоири, шоирлар шоҳи бўлган Бобур Мирзо, Нодирани даврон, Чўлпон каби зотларга бешиқ бўлган замин маънавияти ва тафаккури силсиласида улғайди. Ота-онаси оддий кишилар бўлса-да, қалблари кўшиққа, санъатга ошуфта эди. Қолаверса, мактаб сабоқлари, мусиқа ўқитувчиси Фани ака Султоновнинг йўл-йўриқлари уни санъатнинг сеҳрли оламига ошно этди. Санъатга илҳос ва меҳр уни 1978 йилда Мухтор Ашрафий номидаги

Тошкент Давлат консерваториясига етаклади.

УСТОЗ ОТАДАЙ УЛУҒ

— Ушанда дярли мусиқий саводим йўқ эди, — деб хотирлайди у. — Фақат етти нота билардим. Овозимни эшитиб ўқишга қабул қилишди. Икки йил тайёрлов бўлимида ўқидим. Бетақорор созанда ва бастакор Шавкат Мирзаев синфида таълим олдим. Санъатнинг мўъжизакор қудратини устозим кўмагида англаб етдим. Унинг тор тутган кўларидан санъатга буюк эҳтиромни кўрдим. Доно ўғитларидан қуйинчиликларга қарши мардона курашиш сабогини олдим. Устозим тартиб-интизом борасида ҳеч кимни кеҳирмасди. Ҳалигача репетиция кеҳиркисини эсла олмайман.

Ҳа, Муножотхонимнинг таниқли санъаткор бўлиб етишишида устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, мақом санъатининг билимдон Шавкат Мирзаевнинг алоҳида ўрни бор. У Ўзбекистон халқ артисти, миллий ижрочилик ва бастакорликнинг ўзига хос мактабини яратган Мухаммаджон Мирзаев оиласида камолга етган, устоз санъаткорнинг беназир ижоди силсиласида улғайган. Унга отаси шундай насиҳат қилган эди: «Биров яратган куйга, ҳатто у энг манзуру машхур бўлса ҳам, илашмадинг. Унга озгина ишлов бериб, бу менинг куйим дейларинг тийилгин. Мен яратган куйларнинг ўзи сенга бир умрга етиб ортади». Бу ҳикматли сўз Ш. Мирзаевнинг санъатдаги йўлдоши бўлди. Отаси басталаган куйларнинг аксариятини ёддан билган, улуғ соҳнададан куй яратиш услубини чуқур ўрганган бу зукко инсон Муножотхонимнинг ўзига хос истеъдодини ҳаммадан олдин илғай олди, уни сабот ва матонат билан санъатнинг нурафшон йўлига олиб чиқди. Доно

маслаҳати, ўрни келганда қаттиққўллик ва катта тажрибаси билан истеъдодли шоғирдидан ёрдамини аямасди. Ҳатто талабали йилларида моддий жиҳатдан қийналиб, ишга киришни аҳд қилган шоғирдини санъат йўлидан қалғитмай, малакасини оширишга давват этди.

Ушанда устозим ишга кирсангиз, ўқийдан чалғиб кетасиз, шундай қилайликки, сиз ишни эмас, иш сизнинг орангиздан қувиб келсин, деб ишлашимга ҳам, концертларга

дан куч олди. Бу ҳақда ўзи шундай дейди:

— Дунёда шундай масофасиз яқинлик борки, кўшиқ ана шу яқинликда яшайди. Бу яқинликка элтувчи йўл Муножот йўли. Унинг бир бошида шоир қалби турса, иккинчисидан хофиз, ўртада эса томошабин қалби туради. Томошабин қалбини забт этиш учун аввал шоир қалбини англамоқ керак. Ҳазрат Навойнинг ҳар бир гаали ўзини излаётган руҳнинг бир-бирига ўтувчи йўли мақомига ўхшайди. Навойнинг буюклиги, кўнгилларга яқинлиги шунда! Қолаверса, Шарқ ғазалиётининг боқийлиги, Шарқ фалсафасининг барҳаётлиги ана шунда! Биз мумтоз кўшиқ ижрочилари халқнинг қалбига кўчки ётган, ана шу уммонни юзага чиқариб, миллатнинг ўзлик аталган хазинасини ўзига қайтармоғимиз керак. Дарҳақиқат, унинг кўшиқларида халқ қалбининг тугёнлари, қолаверса, уларда миллат дардининг тарихи, оруз-армонлари яширинган. Шу боис у куйлаганда қалблар жунбушга келади, юрак қатигади туйғулар уйғонади. Давр сийёсати туйғулар утган асрнинг 80-йилларида уни бу эзгу йўлдан чалғитувчилар, истеъдодидан ўз мақураларига хизмат қилдирувчилар ҳам бўлган. Бу ҳақда Муножотхоним афсус билан эслайди:

Кейинчалик устозимнинг бу ўғитлари чин ҳақиқат эканлигига амин бўлдим. Илк бор телевизор орқали «Назм ва наво» кўрсатувига «Қаро кўзим»ни ижро этиб, эл озига тушдим. Айниқса, ўша даврда катта тантана билан ўтадиган пахтакорлар курултойида «Муножот» ва «Ушшоқ»ни ижро этганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Раҳматли Шароф Рашидовнинг эътиборига тушганман, ўшанда.

Муножотхон шундан бери мумтоз кўшиқлар ижроси сифатида халқ кўнглининг тўрида туради. Йиллар силсиласида не-не кўшиқлар унутилиб, йўқолиб кетди. Унинг кўшиқлари эса маънавиятимиз хазинасидаги бебаҳо дурдона мисол томошабин қалбини оҳанрабодек ўзига жалб этди. Бу ютуқларнинг замирида устоз-шоғирдининг 33 йиллик ижодий ҳамкорлик ва изланишлари самараси акс этган.

МУНОЖОТ ЙЎЛИ

Муножотхоним аждодлардан мерос бу улкан уммондан баҳра олгани сайин санъат ҳақидаги тасаввурини кенгайтиб, унинг сир-асрорларидан баҳраманд бўлиб, илм-маърифатга интилиши кучайиб борди. Хофиза бу эзгу йўлда мумтоз адабиёт ва санъат дурдоналари бўлмиш назм ва навога суянди. Сўздан қувват, оҳанг-

мига ўхшайди. Навойнинг буюклиги, кўнгилларга яқинлиги шунда! Қолаверса, Шарқ ғазалиётининг боқийлиги, Шарқ фалсафасининг барҳаётлиги ана шунда! Биз мумтоз кўшиқ ижрочилари халқнинг қалбига кўчки ётган, ана шу уммонни юзага чиқариб, миллатнинг ўзлик аталган хазинасини ўзига қайтармоғимиз керак. Дарҳақиқат, унинг кўшиқларида халқ қалбининг тугёнлари, қолаверса, уларда миллат дардининг тарихи, оруз-армонлари яширинган. Шу боис у куйлаганда қалблар жунбушга келади, юрак қатигади туйғулар уйғонади. Давр сийёсати туйғулар утган асрнинг 80-йилларида уни бу эзгу йўлдан чалғитувчилар, истеъдодидан ўз мақураларига хизмат қилдирувчилар ҳам бўлган. Бу ҳақда Муножотхоним афсус билан эслайди:

— Кечагидек эсимда, партия курултойида кўшиқ айтишим керак эди. Марказқўм вакили «Партиянинг концертида мақом тўғри келмайди, замонавий кўшиқ айтасиз», деб турди олди. Ушанда махсус кўрсатма билан «нефтарга кон, пахтага мақом» деган сўзларга бор «заказ» кўшиқ айтганман. Аммо, буни қарангки, кўшиқ тугаши билан марказқўм котиби «Қизим, бунақа нарсаларни куйламагин, сенинг йўлинг бошқа. Мумтоз кўшиқлар куйлашдан қолмагин...» дедилар. Шундай бўён мумтоз кўшиқлар куйлайман. Яна шуни айтишим лозимки, Мустақиллик мумтоз кўшиқчилигимизда аввал ҳеч кимнинг назари тушмаган буткул янги саҳифа очди. Дунё ахли бугун бизнинг катта санъатимизга таҳсин айтётган экан, бу Истиқлол шарофати, муҳтарам Президентимизнинг миллий санъатимизга катта эътибори самарасидир. Мамлакатимизда ўтаётган халқаро анжуманлар, айниқса, «Шарқ таронаси» фестивали мумтоз кўшиқчилигимизни дунёга кўз-кўз қилмоқда.

ОВОЗИДА БИР СЕҲР БОР

Мустақиллик инояти билан Муножотхоним Франция, Америка, Юррдания, Буюк Британия, Белгия, Голландия, Швейцария, Германия, Италия, Мароккаш, Бразилия каби хорижий давлатларда ижодий сафарда бўлди. 300 кишидан 2000 томошабин сифагидан нуфузли санъат қосоналарида концерт берди. Унинг Испанияда очиқ майдонда берган концертини 10 минг одам тинглаган бўлса, Францияда 7 минг киши ёмғир ёғиб турганига қарамай уни хай-қирқлар билан олқишлаб турди.

Испанияда концертимиз бошланишдан олдин ҳомийлар «Бизда санъаткор кўшиқ айтётганда, томошабинлар ўзаро сўхбатлашиб туриши одат, кўнглингизга олманг», деб кеҳирим сўрашди, деб хотирлайди Муножотхоним. Биз ҳам одалари эканда деб концертни бошладик, битта кўшиқ тугади, ҳамма жим, иккинчисидан сўхбатлашмиса керак, деб давом этдик. Йўқ, концерт тугадики, зал сув куйгандек сукунатда. Кейин мезобонлар «томошабинларни қандай гипноз қилдингизлар», деб сўрашди. Муножотхоним ушанда кўшиқларини шундай маҳорат билан ижро этган эдики, гўё азалий буюк туйғулар қудратини кўнгилларга жойлаб, томошабинларни сеҳрлаб олган эди.

Муножотхоним ҳоҳ қатта саҳна бўлсин, хоҳ кичик гуруҳ бўлсин, ҳар бир чикишига алоҳида тарадуд кўради. Кўшиқларини юракдан ижро этади. 1996 йилда Париж шаҳар театрида берган илк концерти унинг Ғарбий Европада машхур бўлиб кетишига сабаб бўлди. Утган даврда Францияда хонандамизнинг минг-мигларда мухлислари пайдо бўлди. Унинг кўшиқларини тинглаш учун мамлакатнинг турли бурчакларидан мухлислар келишади. Энг қизиғи, чипталар концертдан бир неча ой олдин сотиб бўлинадн. Чипта олишга улгурмаганлар амфитеатр зиналарида тик туриб концерт кўришади. Айниқса, миллий мисли оҳангларни, саҳнани безаб турган гилам ва хонатлазар томоша ҳақида алоҳида хо-нашлар ва шарқона муҳит бағишлайди. Унинг дастури «Шашмақом»дан ташкил топган. Кўшиқ матни томошабинларга тушунарли бўлса-да, афсонавий Шарқ навалари сеҳри, ижрочи маҳорати уларни маҳлиё этади, кўтаринки кайфият бахш этади, юксак маънавий завк беради.

Париждаги гастролларининг биринда Эроннинг таниқли хонандаси Парисо Муножотхоним ижро этган «Қора кўзим» кўшиғини эшитиб, йиғлайди. «...Ўзбекистонлик бу хонанданинг овозида бир сеҳр туйдим. Ошиқ фарёдини тинглагандай бўлдим гўё, — деганди ўшанда ўз хайратини яширолмаган Парисо анжуман иштирокчиларини лол қолдириб. — Ашула тугагунча йиғладим: шундай санъати, шундай санъаткори бўлган ўзбек халқи ҳар қанча фахрланса оз».

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири

Йўлини топдим

Туя ҳаммомни орзу қилгандек, гоҳида кўнгил курғур нималаринидир ёзишни тусаб қолади. Ҳар қалай адабиёт ўқитувчиси, деган номимиз бор.

Турли латифанамо гапларга ўч бўлганим учун ҳажвия ёзмоққа тутиндим. Ёзганимни бошқаларга кўрсатсам, унчалик ёмон эмасга ўхшайди, дейишди.

Олдинига ичувчилар ҳақида ёздим. Туман газетасида чиқди-ю, улфатлардан балога қолдим. Ҳаммалари тумтайиб олишди:

— Куйиб берганимизда ичгандинг, ноз қилмай. Энди биз калака бўлдикми? Биз ароқхўр-у, сен оппоқ, Шундайми?

— Дўстларим, ахир бу шунчаки ҳазил-мутойиба-ку. Нега ҳажлингиз чиқди?

Қани энди уларга гап уқтириб бўлса. Зиёфат қилиб бериб, аранг кутулдим. Иккинчи сафар чекувчилар ҳақида ёзиб, қўшим-

дан балога қолдим. Кўча-мининг бошида юзимга тамаки тутунини пуфлаб вишиллади:

— Менга қара, ҳўв, шапқур. Носни уряпсан, гупиллатиб. Биров индаятими? Нега тамаки чекувчиларга осиласан? Аввал

(Ҳажвия)

ўзинг ташла. Кейин ёзсан. Узр сўраб, аранг кутулдим. Янаги сафар аёллар ҳақида ёздим. Энди хотиннинг фиғони фалакка кўтарилди:

— Нега бева аёллар билан қизиқиб қолдингиз? Ёки бу кунингиз ҳам ортиқча кўринаяптими?

Ишонаверинг, бизнинг хотин билан ҳазиллашиб бўлмайди. Буни кўп марта синаб қурганимиз. Шу билан аёллар мавзуси ёпилди.

Бор-э, дедим-у фермерлар тўғрисида ҳажвия ёздим. Бунинг ҳам натижасини узоқ кутмадим. Биттагина тиррақи сигирим кенг далага сиғмай қолди.

Энди кимни ҳажв қилишни билмай хайронман. Бошқаларга ўхшаб казо-казолар ҳақида ёзай десам, табиатан кўрқоқроқман. Эртага бола-чақани боқиш керак.

Борди-ю ўзим ҳақимда ёзсам-чи? Дарвоқе, ҳозиргина ёзганларимнинг ҳаммаси ўзим ҳақимда эмасми?!

Бошқа бир-иккита мўлжалим ҳам бор ҳали. Баъзи томонларини ўйлаб айланиб қолмасам, албатта, янги ҳажвияларим кўлингизга етиб боради. Уларда қандай камчилик ва нуқсонларни ёзсам, билингки, барчаси ўзимнинг иллатларим. Ҳар қалай ўзимни ўзим сиқувга олмасам керак, нима дедингиз?

Олим ТАНГРИЕВ, Қамаш тумани



Бугун мамлакатимизда 1,8 миллион ўғил-қиз спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шугулланмоқда. Улар орасида спортнинг сузми турига меҳр куйганлар ҳам талайгина. Барча ҳудудларда замонавий сув спорти ҳавзалари барпо этилгани ва этилаётгани спортсевар болалар учун кенг имкониятлар очмоқда.
Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 12-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпиада ҳазиралари спорт мактаби ана шундай масканилардан.
Мактаб тарбияланувчилари турли мусобақаларда тажриба ва маҳоратини оширмоқда. Улар ўтган йили республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда 102 олтин, 105 кумуш ва 142 бронза медални кўлга киритди.
Навоий шаҳрида ўтган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақаларида ушбу муассаса тарбияланувчиларидан тўққиз нафари ўз йўналишлари бўйича голиб чиқди.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Footer containing contact information for O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, including address, phone numbers, and website details.